

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ИҚТИСОДЧИЛАР ФОРУМИ

Тошкентда Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада ошириш стратегиясига бағишланган «Иқтисодчилар форуми – 2012» бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ва БМТнинг Тараққиёт дастури «Миллий ва маҳаллий даражада иқтисодий прогнозлаштириш ва режалаштириш салоҳиятини ошириш» лойиҳаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юрталари вакиллари, иқтисодчи-олимлар, халқаро экспертлар иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори, иқтисод фанлари доктори А.Содиқов ва бошқалар мамлакатимизда миллий иқтисодиётимизнинг барча молия институтлари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан амалга ошириб келинаётган стратегия узоқни кўзлаб, қур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намоён бўлмоқда. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ривожланишнинг «Ўзбек модели» ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг

ўз вақтида изчиллик билан амалга оширилиши самарасида макроиқтисодий барқарорлик ва мустаҳкам иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Етакчи халқаро таҳлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоғи жадал ривожланмоқда, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар давом эттирилмоқда. Бозор механизмлари мустаҳкамланиб, экспорт салоҳияти ортмоқда ва хорижий сармояларни жалб қилиш ҳажми муттасил ўсмоқда. Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётир. Ўзбекистонда охириги беш йилда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражани ташкил этиб, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ва мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг профицит билан бажарилиши, экспортнинг кўпайиши таъминланаётир.

Мамлакатимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Буюк Британиянинг дунёдаги иқтисодий жараёнларни таҳлил этадиган Marlescroft компанияси томонидан Ўзбекистон узоқ муддатли инвестициялар жалб қилиш учун дунёдаги

энг қулай 20 давлат қаторига киритилгани ҳам мамлакатимиздаги макроиқтисодий барқарорликка берилган яна бир юксак баҳодир.

Форумда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, юқори қўшимча қийматга эга юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлаш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг муҳим вазифаларидан эканлиги таъкидланди. Бу вазифалар глобал молиявий иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Форумда глобаллашув жараёнида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва модернизация қилиш самаралари, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни каби мавзулардаги маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

ЎЗА.

Истеъмолчи ён дафтариغا

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ КЕРАК

«Пиёдаларни севиш керак», – деган эдилар қачонлардир Ильф ва Петров, лекин улар инсониятнинг катта ва энг яхши қисмини ташкил этадиган йўловчиларни негадир унутганлар. Эҳтимол, пиёдалар айни вақтда йўловчилар ҳам бўлгани учундир? Муаллифлар ўзларининг умрбоқий ижодларида пиёдаларга бағишлаган ажойиб мадҳияларини йўловчиларга ҳам бемалол татбиқ этса бўлади, зеро уларни ҳам севиш, ҳурмат қилиш, кўплаб ҳужжатларга қайд этилган ҳуқуқларига риоя этиш лозим. Бироқ йўловчилар ҳам, худди пиёдалар каби, ҳужжатларни ўқишни ёқтиришмайди. Бинобарин, ўз ҳуқуқларини яхши билмай, автомобилчилар уларни бузишига имконият яратадилар. Йўловчиларнинг (ҳамда пиёдаларнинг) дарз кетган обрў-нуфузини тиклаш мақсадида биз улар учун зарур бўлган ишни қилдик: ўзларини автотранспортда дадил ва хавфсиз деб ҳис этишларига имкон берадиган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, улардан йўловчиларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ҳаракат қилишлари учун яхши маслаҳат ва қўлланма бўла оладиган тавсияларни олдик. Ушбу тавсиялар йўловчиларнинг асосий ҳуқуқлари қайд этилган ҳужжатлар – «Автомобиль транспорти тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидалари¹ (бундан кейин – Қоидалар), Йўл ҳаракати қоидаларига² асосланган.

БОШҚА АВТОБУСГА ЎТИРИНГ. БУНИСИ БОШҚА ЮРМАЙДИ

Йўловчилар автотранспорти ҳайдовчиларининг қандай мажбуриятлари бор?

– «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилишича, ташувчи: шаҳарда йўловчиларни ташиш ишларини бажариш учун лицензияга эга бўлиши; йўловчиларни ташиш юзасидан белгиланган қоидаларга риоя этиши; йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талабларини бажариши;

ҳаракат хавфсизлигини, шаҳар йўловчилар транспортидан техник фойдаланиш

ва уни ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши;

фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бажариши шарт.

Ким йўналишларни ташкил этиш билан шугулланади, йўловчилар автотранспортининг ҳаракат жадвалини тузади?

– «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 20-моддаларида белгиланишича, йўналишларни ташкил этиш, шу жумладан, янги йўналишлар очиш, ҳаракат жадвалини тайёрлаш шаҳар йўловчилар транспорти-

ни бошқариш органи томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади ва тасдиқланади.

Маҳалламиз аҳолиси энг яқин автобус бекатига ярим соат юриб келади. Фуқаролар йиғинида ваколатли органларга автобуснинг ҳаракат йўналишини ўзгартириб, бекатни маҳаллага яқинлаштириш ёки янгисини ташкил этиш илтимоси билан мурожаат қилишга қарор қилдик. Бундай таклиф билан, шунингдек янги автобус йўналишини очиш хусусида кимга мурожаат қилиш мумкин?

– Янги йўналишларни ташкил этиш (очиш) шаҳарларда, шаҳар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги йўналишларда юқорида кўрсатиб ўтилган органлар



томонидан, вилоятлараро ва шаҳарлараро йўналишларда – ИИВнинг йўлларда ҳаракатланиш бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилади (Қоидаларнинг 9-банди).



Автомобиль йўлда бузилиб қолди, ҳайдовчи худди шу йўналишда борадиган бошқа автобусга ўтиришни таклиф қилди. Йўловчилар ўтиришди, кондуктор йўл ҳақи тўлашни талаб қилди. Бироқ биз биринчи автобусда чипта олган эдик, унинг ҳайдовчиси бизни ўтказаркан, иккинчи марта йўл ҳақи тўлашимиз керак бўлмаслигига ишонтирган эди. Қонун ҳужжатларида бундай вазият қандай тартибга солинади?

– Йўналишдаги автотранспорт воситаси носоз бўлган тақдирда йўловчиларга берилган йўлда юриш ҳужжатлари айнан шу йўналишдаги бошқа автотранспорт воситасида юриш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўловчиларни бошқа автобусга ўтказиш соз автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси томонидан амалга оширилади (Қоидаларнинг 14-банди).

¹ВМнинг 4.11.2003 йилдаги 482-сон қарорига 1-илова.

²ВМнинг 11.12.2000 йилдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган.



ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 16 ноябрь – 5 декабрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

БОЖХОНА БРОКЕРЛАРИ ЙИГИМДАН ОЗОД ҚИЛИНДИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 27.11.2012 йилдаги 330-сон қарори билан божхона ишини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» (11.01.1995 йилдаги 11-сон) қароридан **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий автотранспорт воситаларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган параметрлари** (габаритлар (эни, баландлиги), автомобилнинг ва автопоездларнинг узунлиги, автомобиллар ёки автопоездларнинг ўқига йўл қўйилиши мумкин бўлган оғирлик, шунингдек автотранспортнинг оғирлиги кўпи билан) **чиқариб ташланди.**

Лизинг операцияларини ўтказишда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва божхона назоратини амалга ошириш тартибига (ВМнинг 6.05.1998 йилдаги 194-сон қарорига 1-илова) шунингдек ўзгартириш киритилган. Белгиланишича, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига **ўтганда** лизинг объекти «экспорт» божхона режими остида жойлаштирилади (олдин лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтгандан кейингина бун қилиш мумкин бўлган).

Шунингдек қўйидаги **йиғимлар (ставкалар)** (ВМнинг 30.04.1999 йилдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган) **бекор қилинган:**

божхона брокери сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига рухсатнома (лицензия) берганлик, унинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик ва амал қилишини тиклаганлик учун;

товарларни божхона назорати остида қайта ишлашга рухсатнома (лицензия) берганлик учун;

божхона ташувчиси сифатида фаолиятни амалга оширишга рухсатнома (лицензия) берганлик, унинг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик ва амал қилишини тиклаганлик учун.

Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошоналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (31.05.2002 йилдаги 189-сон) қарори билан тақдим этилган **имтиёзлар ўз кучини йўқотди.** Уларга мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан ёки уларнинг буюртманомаларига биноан ўз эҳтиёжлари учун бюджет маблағлари ҳисобига Ўзбекистонга келтириладиган товарлардан импорт бож пошоналари ундирилмаган.

ТОВАРЛАРНИНГ ШАРТЛИ ЧИҚАРИБ ЮБОРИЛИШИ АНИҚЛАШТИРИЛДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 27.11.2012 йилда 1404-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Низомга биноан шартли чиқариб юбориш деганда божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган чеклашлар, талаблар ёки шартларга риоя қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига олган шахснинг тасарруфига берилиши тушунилади. Товарлар ва транспорт воситалари шартли чиқариб юборилганда улар божхона назоратида бўлади ҳамда улардан шартли чиқариб юборишга рухсат берилганда белгиланган бошқа мақсадда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бундан олдин уларнинг «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига мувофиқ расмийлаштируви айрим ҳужжатлар ва маълумотлар бўлмаганда ҳам амалга оширилган.

Киритилган ўзгартиришлар билан бунга йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар белгиланган. Чунончи, **мувофиқлик сертификати, лицензиялар ва бошқа давлат органларининг рухсат берувчи ҳужжатлари** бўлмаганда товарларни шартли чиқариб бўлмайди. Бунда мувофиқлик сертификати тақдим этилмасдан божхона расмийлаштирувига қўйиладиган товарларнинг шартли чиқарилишига рухсат олиш учун мувофиқлик сертификатининг мавжуд бўлиши шарт эмас.

Товарларни олиб ўтадиган шахс ёки божхона брокери (унинг топшириғига кўра) учун шартли чиқариб юбориш таомилини амалга оширишда мажбурий бўлган шартлар ҳам бекор қилинди. Эндиликда божхона юк декларацияси тўлиқ расмийлаштирилгунга қадар Ўзбекистоннинг ички бозорида шартли чиқариб юборилаётган товарларни сотишга рухсат берилди. Уларни олувчи шахс эса қўйидаги мажбуриятлардан озод қилинди: шартли чиқариб юборилган товарларнинг ҳисобини юритиш; ҳар қандай вақтда божхона хизмати вакилларига ушбу товарлардан фойдаланилиши ва идентификация қилинишини амалда назорат қилиш имкониятини тақдим этиш; божхона органининг талабига биноан шартли чиқариб юборилган товарлардан фойдаланилиши ҳақидаги ахборотни тақдим этиш.

2012 йил 7 декабрдан кучга кирди.

БИЗНЕС-МУҲИТ ЯНАДА МАҚБУЛЛАШМОҚДА

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Президентнинг 16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1.11.2012 йилдаги 313-сон қарорига мувофиқлаштириш мақсадида **Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг қўшма қарори (АВ томонидан 28.11.2012 йилда 1279-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)** билан Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (бундан кейин – Инспекциялар) тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг ПФ-4453-сон Фармони мувофиқ 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтаётганда муҳр ва штамп тайёрлаш учун ички ишлар органларининг рухсатини олиш талаби бекор қилинган. Шу сабабли Намунавий низомдан ички ишлар органлари билан келишиш ҳамда улардан тегишли рухсатномалар олишга доир Инспекцияларнинг ваколатлари истисно этилди. Эндиликда уларнинг ўзи эскизларни ўз муҳрлари билан тасдиқлайдилар ҳамда бу ҳақда муҳрлар ва штампларни ҳисобга олиш дафтарини тегишли ёзув киритадилар. Эскизлар аввал белгиланганидек **уч эмас, балки икки нусхада тақдим қилиниши мумкин.**

Аввал бўлганидек, тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 1 кун мобайнида Инспекциялар улар ҳақида давлат реестридан олинган маълумотларни:

– юридик шахслар бўйича – улар жойлашган жойдаги статистика ва солиқ органларига;

– яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича – фақат солиқ органига тақдим этишлари керак.

Бироқ Инспекцияларнинг вазифалари қаторига **акциядорлик жамиятлари бўлган юридик шахслар бўйича** маълумотларни нафақат солиқ ва статистика органларига, **балки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига** ҳам тақдим этиш талаби қўшилди.

Бундан ташқари, турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилаётганда **Инспекциялар хўжалик юритувчи субъектлардан агар турар жой архитектуравий, тарихий ва маданий ёдгорлик бўлган уйларда жойлашган бўлса – ёдгорликларни муҳофаза қилиш органларининг розилигини талаб қилишга ҳақли эмас.**

2012 йил 8 декабрдан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Иқтисодчилар форуми

1-бет

✓ ИСТЕЪМОЛЧИ ЁН ДАФТАРИГА

– Йўловчиларни ҳурмат қилиш керак

1, 6-7-бетлар

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз

2-бет

✓ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Идоравий-меъёрий ҳужжат
– ЎзР соғлиқни сақлаш вазирининг «Тиббиёт муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига талаблар

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2012 йил 24 ноябрдан 7 декабргача бўлган маълумот.

3-4-бетлар

✓ БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

– Молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби қандай амалга оширилади

5-бет

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Касаллик варақасидан – ишдан бўшашга

– Шартнома тузишда эътиборга олинг!

8-бет

Эълон

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

уяли телефондан +99871

стационар телефондан 8371

200-00-59

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТ

– ЎзР соғлиқни сақлаш вазирининг «Тиббиёт муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 24 НОЯБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ТИПЛАРИ ВА ИХТИСОСЛИК ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ҲАЖМИГА ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2399.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 45-сон, 518-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 92-сон «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 146-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Тиббиёт муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига талаблар тўғриси-

даги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир
А.АЛИМОВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 3 октябрь
282-сон.

*2012 йил 12 ноябрдан кучга кирди.

ЎзР соғлиқни сақлаш вазирининг
2012 йил 3 октябрдаги 282-сон буйруғига
ИЛОВА

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ТИПЛАРИ ВА ИХТИСОСЛИК ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ФАОЛИЯТ ҲАЖМИГА ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 92-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 13-сон, 146-модда) билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 3-бандига мувофиқ, тиббиёт муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига қўйиладиган талабларни белгилайди.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом талаблари лицензия асосида тиббий фаолиятни амалга оширадиган тиббиёт муассасаларига (бундан буён матнда тиббиёт муассасалари деб юритилади) татбиқ этилади.

2. Тиббиёт муассасалари мазкур Низомда белгиланган тиббиёт муассасалари типларига ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига мувофиқ тиббий фаолиятни амалга оширади:

II БОБ. ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ТИПЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

3. Тиббиёт муассасалари қуйидаги типларда тиббий фаолиятни амалга оширади:

тез тиббий ёрдам муассасаси – беморларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни кўрсатадиган, шунингдек бемор (мурда)ларни транспортировка қиладиган тиббиёт муассасаси;

амбулатория муассасаси – беморларни тиббиёт муассасасига жойлаштирмасдан қатнов асосида ёки уларнинг уйларида (амбулатор шароитда) даволанишини таъминлайдиган тиббиёт муассасаси;

стационар муассаса – беморларни доимий равишда тиббиёт ходимлари назоратида бўлишига шароит яратиш мақсадида уларнинг ётиб даволанишини таъминлайдиган тиббиёт муассасаси;

дезинфекция (дезинфектология) муассасаси – дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситалари орқали инсон касалланишига сабаб бўлган омилларни, уларнинг ташувчисини ёки табиий резервуарлари ҳисобланган атроф-муҳитда мавжуд бўлган патоген биологик объектларни йўқ қилишга қаратилган фаолиятни амалга оширадиган тиббиёт муассасаси.

4. Стационар типда тиббий фаолиятни амалга оширадиган тиббиёт муассасаси амбулатор шароитида ҳам тиббий фаолиятни амалга ошириши мумкин.

5. Тиббиёт муассасалари типлари ўз ихтисосликларидан келиб чиқиб қуйидаги тиббий фаолиятлардан бири ёки бир нечасини амалга оширади:

тез тиббий ёрдам – беморларга кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам, шунингдек бемор (мурда)ларни транспортировка қилиш; профилактика – инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, касалланишини олдини олиш ва уни келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар;

маслаҳат бериш – касалликларни профилактика қилиш ва даволаш мақсадида мутахассис врач томонидан бериладиган кўрсатма;

диагностика – инсон саломатлиги ҳолатини тиббий текширувлар ўтказиш орқали аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар;

даволаш – инсон саломатлигини яхшилаш ёки тик-

лашга қаратилган тиббий муолажа (аралашув). Бунда даволаш операциясиз (консерватив) йўл билан ёки операция (оператив) қилиш йўли билан амалга оширилади.

III БОБ. ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИХТИСОСЛИК ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТИББИЙ ФАОЛИЯТИ ҲАЖМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

6. Тиббиёт муассасалари тез тиббий ёрдам, профилактика, маслаҳат бериш, диагностика ва операциясиз (консерватив) даволаш асосида, шунингдек мазкур Низом иловасида келтирилган Тиббиёт муассасаларида тиббий фаолиятнинг ихтисослик турлари бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган операцияли (оператив) даволашлар рўйхати асосида ўз ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмини амалга оширади, мазкур Низомнинг 7-банди бундан мустасно.

7. Тиббиёт муассасалари томонидан қуйидаги тиббий фаолиятларни амалга ошириш тақиқланади:

- бактериологик текширувлар ўтказиш;
- ўткир захарланишни даволаш;
- келиб чиқиши криминал хусусиятга эга бўлган жароҳатларни даволаш;
- таносил касаллигини даволаш;
- сил касаллигини даволаш;
- ОИВ/ОИТС диагностикаси ва уни даволаш;
- моховни даволаш;
- шошилишч эпидемиологик чоралар кўришни талаб этадиган юқумли касалликларни даволаш;
- ўта хавфли ва карантин касалликларни даволаш;

аниқланган хавфли онкологик касалликларни даволаш;

қон донорлигини ташкил этиш, қонни, унинг компонентлари ва препаратларини тайёрлаш ва қайта ишлаш; барча турдаги тиббий экспертизаларни ўтказиш, шу жумладан санитар-гигиеник, токсикологик, микробиологик, эпидемиологик, генетик ва меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизаларини ўтказиш;

туғруқни қабул қилиш ва ҳомиладорлик кечишини тўхтатиш (аборт қилиш);

тўқима ва аъзолар трансплантацияси, шунингдек уларни тайёрлаш;

инфекция ўчоқларида барча турдаги дезинфекция чораларини олиб бориш.

8. Мазкур Низомнинг 7-банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган тиббий фаолиятларни тиббиёт муассасаларида амалга ошириш фақатгина инсон ҳаётига хавф туғдирувчи ҳолатларда беморга шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида рухсат этилади. Бунда келиб чиқиши криминал хусусиятга эга бўлган жароҳатларни даволаш юзасидан мурожаат қилинганда тиббиёт муассасалари зудлик билан ички ишлар органларига хабар беришлари шарт.

IV БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Низомга
ИЛОВА

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ИХТИСОСЛИК ТУРЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ОПЕРАЦИЯЛИ (ОПЕРАТИВ) ДАВОЛАШЛАР РЎЙХАТИ

1. Тиббий фаолиятнинг умумий хирургия (кичик амбулатор хирургия) ихтисослик тури бўйича:

- юмшоқ тўқималардаги хавфсиз ўсмаларни олиб ташлаш;
- плевра бўшлигининг пункцияси;
- плевра бўшлигини дренажлаш;
- қорин бўшлигининг пункцияси;
- лапароцентез;
- оддий чурраларда чурраларни кесиш;
- куйган яраларга хирургик ишлов бериш;
- яраларга бирламчи хирургик ишлов бериш;
- маститни кесиб очиш;
- панариций ва паронихийларни кесиб очиш;
- абсцессларни кесиб очиш;
- юмшоқ тўқима флегмоналарини кесиб очиш;
- турли жойдаги фурункул ва карбункулларни кесиб очиш;
- циркумцизия;
- эндоскопик аралашувлар;
- геморройда, анал ёриқларида, ўткир парапроктитда, тўғри ичак оқмасида, анал йўли полипларида, перианал соҳаси кисталарида, эпителиал-думғаза йўлларида, перианал соҳаси ўткир учли кондилломаларида операцияли муолажалар (аралашувлар).

2. Тиббий фаолиятнинг колопроктология (кичик операцияли колопроктология) ихтисослик тури бўйича

геморройда, анал ёриқларида, ўткир парапроктитда, тўғри ичак оқмасида, анал йўли полипларида, перианал соҳаси кисталарида, эпителиал-думғаза йўлларида, перианал соҳаси ўткир учли кондилломаларида операцияли аралашувлар.

3. Тиббий фаолиятнинг урология (кичик операцияли урология) ихтисослик тури бўйича:

- мойак истисқоси операцияси;
- варикоцеле операцияси;
- циркумцизия;
- мойак биопсияси;
- крипторхизмни бартараф этиш операцияси;
- мойак, мойак қўшимчаси ва тухумдон йўли кисталарини олиб ташлаш;
- уретра ташқи тешигининг полипини кесиб олиш ёки куйдириш;
- меатотомия;
- цистостомик дренажни алмаштириш;
- эндоурологик операцияли муолажалар (аралашувлар).

4. Тиббий фаолиятнинг оториноларингология (ЛОР органларнинг мураккаб туғма нуқсонларини бартараф этишга оид операциялардан ташқари) ихтисослик тури бўйича:

- аденотомия;
- тонзилэктомия;
- гайморотомия;
- фронтотомия;
- этмоидотомия;
- сфеноидотомия;

- септопластика;
- орториносептопластика;
- ринопластика;
- анитротомия;
- қулоқдаги радикал операция;
- тонзиллотомия;
- тимпанопластика;
- ЛОР органлари абсцессларини очиш;
- хоанал полипини олиб ташлаш;
- қонаётган полипини олиб ташлаш;
- полипини олиб ташлаш;
- ҳиқилдоқ папилломасини олиб ташлаш;
- ЛОР органлари аъзоларида эндоскопик операциялар.

5. Тиббий фаолиятнинг офтальмология ихтисослик тури бўйича:

- интраокуляр линза (ИОЛ)ни имплантациялаш ва имплантацияламасдан катарактани экстракапсуляр экстракцияси;
- ИОЛ имплантацияси билан катарактанинг факоэмульсификацияси (ФЭГ);
- ИОЛ имплантацияси билан катарактанинг тоннель экстракцияси (ТЭК);
- ИОЛни имплантациялаш ва имплантацияламасдан катарактани интракапсуляр экстракцияси;
- ИОЛни иккиламчи имплантацияси;
- антиглаукоматоз операциялар;
- пластикали ва пластикасиз птериgiumэктомия;
- керопротезлаш;

склеропластик операциялар;
филайликни тузатиш;
қовоқдаги операциялар (бурилиб қолганда, тескари бўлиб қолганда, птозда, блефарохлаязда ва нуқсонларда);
қовоқдаги пластик операциялар;
витреоретинал хирургия;
тўр пардаси кўчишидаги операция (циркляж, склерани локал пломба-лаш);
дакриоцисториностомия;
кўз ёши йўлларидаги операция;
конъюнктива ва қовоқдаги хавфсиз ўсмаларни олиб ташлаш (папилломалар, кистлар ва халязионалар);
вазорекоинструктив ва реваскуляризиловчи операциялар;
шоҳ парда ва конъюнктивада юзаки жойлашган ёт жисмларни олиб ташлаш;
орқа капсулотомияси;
тўр парданинг периферик, паравазал ва чекланган панретинал лазеркоагуляцияси;
иридотомия;
фоторефракцион кератотомия (ФРК);
лазик;-
эпилазик;
чокни ечиш;
лимфотропли даволаш.
6. Тиббий фаолиятнинг пластик хирургия ихтисослик тури бўйича:
юзаки жойлашган ёт жисмларни олиб ташлаш;

жароҳатланган терини кесиб олиб ташлаш;
жароҳатни беркитиш учун тери пластикаси;
яраларни ёпиш учун тери пластикаси;
атеромани олиб ташлаш;
тери ва териости ёғ клетчаткасининг хавфсиз ўсмаларини олиб ташлаш;
чандиқларни кесиб олиб ташлаш;
бошдаги тук (соч)ларни трансплантацияси;
энгак, чакка, пешона, бўйин соҳасидаги пластик операциялар (маҳаллий анестезия орқали);
юқори лаб коррекцияси;
гинекомастия коррекцияси;
шалпангқулоқлик коррекцияси;
юқори қовоқ пластикаси;
пастки қовоқ пластикаси;
эпикантус коррекцияси;
сингапури коррекцияси (турғун бурма);
тарзоластика;
тери тўқимасининг лазерли деструкцияси;
телеангиоэктазиянинг лазерли коагуляцияси;
телеангиоэктазийнинг склеротерапияси;
тери чандиқларида механик тери ҳосил қилиш;
чандиқларда лазерли тери ҳосил қилиш;
илгари қилинган косметик операциялар коррекцияси;

тананинг алоҳида қисмларини маҳаллий анестезия орқали липосакция қилиш;
юмшоқ тўқималарга сунъий тўлдирувчиларни киритиш орқали шаклни коррекция қилиш;
гемиопластика (кичик ва катта жинсий лаблар коррекцияси);
юзни ёшартиришнинг кам инвазивли усуллари;
ажинлар коррекцияси;
«aptos» иплари операцияси;
ажин ва лаблар шаклини биополимерлар билан коррекция қилиш;
липофилинг;
риноластика.
7. Тиббий фаолиятнинг хирургик стоматология ихтисослик тури бўйича:
сут ва доимий тишларни олиб ташлаш;
абсцессларни кесиб очиш;
периостотомия;
тиш илдизлари юқори қисмининг резекцияси;
олиб ташланган тиш ўрни кюретажи;
жароҳатларга бирламчи хирургик ишлов бериш;
юз нерви невралгиясида блокада қилиш;
майда ўсмасимон шишларни олиб ташлаш;
имплантация;
тил ва лаб юганини кесиб олиш;
тиш олиб ташлангандан сўнг перфорацияда гаймор бўшлиғи тубидаги чуқурчани тикиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР,
ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ХУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 24 НОЯБРДАН 7 ДЕКАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 25 октябрдаги 01-02/12-30-сонли қарори.

2012 йил 27 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1404-2 (2012 йил 7 декабрдан кучга кирди).

2. «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 29 ноябрдаги 3, 11-сонли қарори.

2012 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-4 (2012 йил 9 декабрдан кучга кирди).

3. «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 10 ноябрдаги 32/7-сонли қарори.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2183-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 252-мх-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 44-2 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

5. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 253-мх-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 286-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

6. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 254-мх-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 389-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

7. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 255-мх-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 395-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

8. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 256-мх-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди,

рўйхат рақами 616-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

9. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 257-мҳ-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 647-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

10. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 258-мҳ-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 779-1 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

11. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 259-мҳ-сонли буйруғи.

2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1173-2 (2012 йил 13 декабрдан кучга кирди).

12. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб

топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2012 йил 26 ноябрдаги 69/1-қ/қ, 63-қ/қ, 33-қ/қ-сонли қарори.

2012 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1845-3 (2012 йил 14 декабрдан кучга кирди).

13. «Тўғридан – тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 6 ноябрдаги 81, 2012-32, 13-сонли қарори.

2012 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2312-1 (2012 йил 14 декабрдан кучга кирди).

14. «Тижорат банклари томонидан вексель кафиллиги (аваль)ни расмийлаштириш тартиби ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 24 ноябрдаги 33/2-сонли қарори.

2012 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 521-2 (2012 йил 14 декабрдан кучга кирди).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси сув таъминоти ва сувоқава коммунал тизимидан фойдаланиш қоидалари», 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 44, 1994 йил 22 апрель), (рўйхат рақами 44-1, 1999 йил 11 март). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 252-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

2. «Жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бино ва иншоотларни баҳолаш, қайта баҳолашнинг методикаси» (рўйхат рақами 286, 1996 йил 6 декабрь). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 253-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

3. «Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини кўрсатиш қоидалари» (рўйхат рақами 389, 1998 йил 12 январь). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 254-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

4. «Ҳаммом, сауна, ванна ва чўмилиш хоналаридан фойдаланиш қоидалари» (рўйхат рақами 395, 1998 йил 15 январь). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 255-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

5. «Уй-жой фондидан техник фойдаланишнинг қоида ва меъёрлари» (рўйхат рақами 616, 1999 йил 1 февраль). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 256-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

6. «Қаттиқ ва суюқ хўжалик чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш қоидалари» (рўйхат рақами 647, 1999 йил 20 февраль). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 257-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

7. «Чет эл фуқаролари – уй-жой эгалари томонидан коммунал хизматлар бўйича тўловлар ва уй-жойдан фойдаланиш бўйича тўловлар ва уй-жойдан фойдаланиш бўйича харажатлар узоқ вақт тўланмаган (12 ойдан ортиқ) ҳолда уларнинг кечиктирилган қарзини қоплаш тартиби» (рўйхат рақами 779, 1999 йил 27 июль). Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 258-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

8. «Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва аҳоли пунктларида турар жойларни таъминлаш, таъмирлаш ва коммунал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тўғрисида низом», 1-сон ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1173, 2002 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 1173-1, 2003 йил 1 август). Ўзбекистон «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 3 декабрдаги 259-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

9. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома», 1-2-сон ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1845, 2008 йил 29 август), (рўйхат рақами 1845-1, 2008 йил 13 декабрь), (рўйхат рақами 1845-2, 2010 йил 3 февраль). Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қарори билан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 4 декабрдаги 260-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

10. «Тижорат банклари томонидан вексель кафиллиги (аваль)ни расмийлаштириш тартиби», 1-сон ўзгартиришлар (рўйхат рақами 521, 1998 йил 9 ноябрь), (рўйхат рақами 521-1, 1999 йил 1 апрель). Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирининг 2012 йил 4 декабрдаги 262-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

МОЛИЯВИЙ ИЖАРА БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ ҲИСОБИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Корхонамиз балансида бўлган асосий воситани бошқа корхонага 3 йил муддатга узоқ муддатли ижарага бергандик. Бугунги кунда ДСИ ходимлари томонидан корхонамизда ўтказилган ҳужжатли текширишда молиявий ижара объектларининг ижарага берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадлар ва кечиктирилган харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши бўйича мунозара вужудга келди. Шунинг учун сиздан ижарага берувчида (лизингга берувчида) молиявий ижара операцияларининг ҳисоби бухгалтерияда қандай амалга оширилиши бўйича батафсил тушунтириш беришингизни сўраймиз.

**Курбонали Шодиев, МЧЖ раҳбари.
Тошкент шаҳри.**

– Сиз келтирган масалалар, Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида низом (АВ томонидан 1.06.2009 йилда 1961-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Молиявий ижара объектлари берилганда ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида тан олинадиган қиймат билан молиявий ижара объектнинг бошланғич ёки қолдиқ қиймати ўртасида фарқ 8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинади. Бунда молиявий ижара объектларининг қайта баҳолаш натижаларини, яъни ушбу молиявий ижара объекти баҳосининг олдинги ўсиши суммасининг, ижара объекти баҳосининг олдинги пасайиши суммасидан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар қилингандан сўнг, кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара (лизинг) тўловининг ҳисобланишига қараб бир маромда (ойма-ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига (бошқа операция харажатларига) олиб борилади.

Молиявий ижара объектларининг ижарага олувчига берилиши, агар берилган объект олдин фойдаланишда бўлган бўлса, яъни асосий воситалар таркибида бўлган ҳолда, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1) асосий воситалар молиявий ижарага берилганда ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қийматига:

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

2) асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

3) асосий воситаларнинг жамланган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

4) асосий воситаларнинг ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

5) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни бериш натижасида кечиктирилган даромадлар пайдо бўлганда:

дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти;

6) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни бериш натижасида кечиктирилган харажатлар пайдо бўлганда:

дебет 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти;

кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага

берувчининг ҳисобланган даромади суммасини бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага берувчининг ҳисобланган даромади суммасини бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;

кредит 9550 «Молиявий ижарадан даромадлар» счёти.

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижарага олувчидан ижара тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

– ижара тўловлари жадвалига мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

– молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

– ижара тўловлари жадвалига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

– ижара тўловлари жадвалига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижарага олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашишга) олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар».

Шунингдек, мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижарага олувчидан ижара тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари жадвалига мувофиқ молиявий ижара бўйича олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 0920 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти;

в) ижара тўловлари жадвалига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

г) ижара тўловлари жадвалига мувофиқ тўлов муддати етиб

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
судиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
УЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қувомаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказида

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

келганда, ижарага олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга олиб борилганда:

дебет 6390 «Бошқа олинган бўнаклар» счёти;

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

кредит 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти.

Молиявий ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ижарага олувчи томонидан молиявий ижара объектнинг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

• молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара объектнинг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 «Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар – жорий қисми» счёти;

• ижарага олувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектни яхшилаш харажатларининг ижарага берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

• ижарага олувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектни яхшилаш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Жавобни экспертизимиз Фуломжон Тўлаганов тайёрлади.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ

AZN
TECHNO



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги хўжалик низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш*.

Тел.: (+998 90) 989-19-07, (8 371) 242-46-23.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.

Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.

Тел. (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб яшаш. Арзон.

www.golden-kovka.uz.

Тел. (+998 90) 955-68-02.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.

Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Тел.: 233-74-95, 233-17-56,

236-76-46.



СОЛЯР МОЙИ УЧУН КИМ ТЎЛАЙДИ?

? Бизнинг МЧЖ асосий фаолияти берилган лицензия асосида йўловчиларни шаҳарлараро йўналишда ташиш ҳисобланади. Ишнинг хусусияти шундан иборатки, корхона балансида тегишли транспорт воситалари йўқ. Биз транспорт воситаларини экипажи билан ижарага олиб, автобуслар мулкдорлари билан транспорт воситаларини ижарага олиш шартномаларини тузамиз. Қуйидаги саволлар юзага келди:

1. Ҳозирги вақтда ижарага олинган автобусларнинг ҳайдовчилари, тузилган ижара шартномаларининг шартларига кўра, шахсий маблағлари ҳисобидан турли АЁҚШларда ёнилғи (дизель ёнилғиси) сотиб оладилар. Бу бирор-бир амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зид эмасми?

2. Қандай ҳолларда транспорт воситаларини ёнилғи билан таъминлаш корхонамиз мажбуриятига киради? Қайси меъёрий ҳужжатга асосан?

Р.Темирбоева, МЧЖ директори.

– 1. Ҳаммаси транспорт воситасини ижарага олиш шартномасининг шартларига боғлиқ.

Шартномада ёқилғи ҳақини ижарачи ҳам, ижарага берувчи ҳам тўлаши тўғрисида шарт назарда тутилиши мумкин. Бунда, Фуқаролик кодексининг 567-моддасига кўра, агар тузилган транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида транспорт воситасидан фойдаланиш жараёнида ёқилғи ҳақини тўлаш шарт тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса, ёқилғи ҳақини тўлаш харажатлари ижарага олувчи зиммасида бўлади.

Сиз баён этган вазиятдан келиб чиқиб, сиз билан транспорт воситасини экипажи билан ижарага олиш шартномаси тузилган деб биламиз. Бу ижарага берувчида ёқилғи ҳақини тўлаш мажбурияти шубҳасиз пайдо бўлганлиги тўғрисида сўзлаш имконини бермайди, чунки қонун ҳужжатлари транспорт воситасини экипажи билан ижарага олиш шартномасини тузганда ижарага берувчинини ушбу харажатларни тўлашга тўғридан-тўғри мажбур қилмайди.

2. Агар бу тузилган шартнома шартларида назарда тутилган бўлсагина ёки Фуқаролик кодексининг юқорида эслатилган 567-моддасига кўра корхонагизнинг транспорт воситаси ижарачиси сифатида уни ёқилғи билан таъминлаш мажбуриятлари юзага келиши мумкин.

Абдурахмон БАХТИЕВ,
эксперт-юристуши.

1-бетда

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ

ШЛЯПА УЧИБ КЕТДИ. ПУЛИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

? Автобусда йўловчи деразани очди, бошқаси эса дарҳол уни ёпиб, буни юзига ураётгани билан изоҳлади. Улар ўзаро низолаша бошлашди. Йўловчиларнинг ким ҳақу ким ноҳақлиги тўғрисидаги фикрлари яқдил бўлмади. Бундай вазиятда нима қилиш керак?

– Энг яхшиси ихтилофдан қочиш ва масалани тинч йўл билан ҳал этиш, албатта: масалан, деразани очган йўловчи ўзини тажовузкорона тутаётганини кўрсангиз, бошқа жойга ўтиб ўтиринг. Бироқ ушбу вазият Қоидалар билан тартибга солинади. Бунда ўз сўзини ҳайдовчи (кондуктор) айтиши керак. Автобусда ҳайдовчи (кондуктор)нинг рухсатисиз ойналарни очиш тақиқланади (Қоидаларнинг 15-банди).

? Йўловчи аёл автобус деразасидан бошини чиқарди. Бошидаги шляпаси шамолда учиб кетди. Аёл ҳайдовчидан автобусни тўхтатишни сўради, бироқ у бундан бош тортиб, ушбу участкада тўхташ тақиқланганлигини айтди. Шунда аёл ҳайдовчидан зарарни қоплаб беришни: шляпа қийматини тўлашни талаб қилди. У ҳақлими?

– Йўловчи аёл ҳайдовчидан зарарни

қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли эмас, чунки автобусда ойнадан ташқарига осилиш тақиқланади (Қоидаларнинг 15-банди).

? Ҳайдовчи автобусга итимни чиқармади, унинг тумшукбоғи бўлиши керак деб айтди. Бироқ итим кичик ва жуда одамсевар. Ҳайдовчи ҳақлими?

– Қоидаларда тумшукбоғсиз итлар ва бошқа ҳайвонларни олиб юриш тақиқланади (Қоидаларнинг 15-банди).

? Автобусда юришда йўловчилар учун яна қандай тақиқлар мавжуд?

– Қоидаларга биноан автобусда:
а) йўловчиларнинг маст ҳолда юриши;
б) алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш;

в) ҳайдовчи (кондуктор)нинг рухсатисиз ойналарни очиш;

г) ойнадан ташқарига осилиш;

д) тез ёнувчан, портловчи, заҳарловчи, заҳарли, қўланса, радиоактив моддалар ва ашёларни, филофсиз ўқотар қурол, тигли ва кескир ашёларни олиб юриш;

е) ўлчами 100 см х 50 см х 30 см дан катта ёки битта ўрин учун оғирлиги 60 кг дан ортиқ буюмларни, шунингдек узун-

лиги 200 см дан ортиқ бўлган буюмларни олиб юриш;

ж) салонни ёки йўловчиларнинг кийимларини ифлос қилувчи буюмлар ва ашёларни олиб юриш;

з) тумшукбоғсиз итлар ва бошқа ҳайвонларни олиб юриш тақиқланади (Қоидаларнинг 15-банди).

? Автобус кондуктори мен багаж (йўл сумкаси) учун ҳақ тўлашимни талаб қилди, бироқ менда бепул юриш ҳуқуқини берадиган йўлқира карточкаси бор эди. У ҳақлими?

– Кондукторнинг талаби мутлақо ҳақли, чунки йўлқира карточкаси юқорида кўрсатилган оғирлик ва ўлчамдан ортиқча бўлган багажни бепул ташиш ҳуқуқини бермайди (Қоидаларнинг 25-банди).

? Зангиотага берадиган автобусга ўтирдим. Кондукторга йўлқира карточкамни кўрсатдим, бироқ у ушбу йўналишда карточка ўтмаслигини айтди. Нима учун?

– Шаҳар транспортида фойдаланиладиган барча серия ва турдаги йўлқира карточкалари таксилар, шаҳар атрофидаги ва шаҳарлараро (вилоятлараро ва халқаро) йўналишлар учун ҳақиқий ҳисобланмайди (Қоидаларнинг 25-банди).

ҚЎЛ ЮКИ ВА БАГАЖНИ МУАММОСИЗ ОЛИБ ЮРИШ ҲАҚИДА

? Автобусда болали йўловчилар ва фуқароларнинг бошқа тоифалари учун қанча ўрин мўлжалланган?

– Мактабгача ёшдаги болали йўловчилар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва кекса фуқаролар учун автобус салонидан, унинг йўловчи сифимига қараб, 6 та олдинги жойлар ажратилади. Ушбу жойларни эгаллаган бошқа йўловчилар уларни мазкур шахслар учун бўшатишлари керак (Қоидаларнинг 30-банди).

? Тигиз пайтда автобус бекатда узоқ вақт тўхтаб, йўловчиларни роса йиғади. Баъзан салон одамга тўлиб кетганлигидан ҳайдовчи эшикларни ёпа олмайди. Бу Қоидаларга қанчалик тўғри келади?

– Ҳайдовчи автобусни тўхташ жойидан фақат эшикларни ёпган ҳолда, йўловчилар тўлиқ тушириб ва чиқариб бўлингандан сўнг юргизиши шарт. Автобус салонини автобуснинг муайян тури учун белгиланган умумий сифимидан ортиқча тўлдиришга йўл қўйилмайди (Қоидаларнинг 31-банди).

? Ҳайдовчи автобус йўналишини ўзгартирди. Бунда аввалги рақам олиб ташланмаган, янгиси эса қўлда қоғозга ёзилган бўлиб, кўп йўловчилар унга эътибор бермаганлар. Биз бошқа томонга бораётганимизни кўриб, ҳайдовчига эътироз билдирдик, у бунга жавобан қўполлик билан: «Яхшироқ қараш керак», – деди. Бундай вазиятлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадими?

– Умумий талаб шундайки, ҳайдовчи

(кондуктор) бекатларни аниқ ва тўғри эълон қилиши (амалда бундай қилинмаяпти), қатнов йўналиши ўзгарган тақдирда эса бу тўғрида ҳар қайси бекатда эълон қилиши шарт (Қоидаларнинг 31-банди).

? Йўловчиларнинг шаҳар йўналишларида қўл юки ва багажни ташиш шартлари қандай?

– Йўловчи ҳажми 60 см х 40 см х 20 см ва оғирлиги 20 кг дан ортиқ бўлмаган қўл юки ҳамда мусиқа асбобини, 150 см гача узунликдаги буюмларни, шунингдек қафасга солинган майда ҳайвонлар ва паррандаларни, аравагани (болалар, ногиронлар ва бошқаларнинг аравачаларини), майда боғдорчилик инвентари, болалар каналарини ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга. Ҳажми 60 см х 40 см х 20 см дан 100 см х 50 см х 30 см гача бўлган ва узунлиги 150 см дан 200 см гача бўлган буюмларни, шунингдек, ўлчамидан қатъи назар, оғирлиги 20 кг дан ортиқ бўлган багажни олиб юриш тарифга мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда амалга оширилади (Қоидаларнинг 32, 33-бандлари).

? Кўпинча автобусда қуйидаги манзарани кўриш мумкин: ҳайдовчи рулни бошқарган ҳолда телефон орқали баланд овозда ким биландир суҳбатлашади. Ёки салонда ўрнатилган видеомонитордаги мусиқа йўловчилар қулоғини батанг қилади. Қонун ҳужжатлари бунга йўл қўядими?

– Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.6-бандига биноан ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, шунингдек ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси саломи-

нинг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиши тақиқланади.

? Баъзан автобус, йўналишли (линияли) такси рулни ёши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эгаллиги шубҳалантирадиган йигитча бошқараётганини кўрамиз. Ушбу масалани қонун ҳужжатлари қандай тартибга солади?



– «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланишича, рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3 500 кг дан ҳамда ўриндиқлар сони ҳайдовчиникидан ташқари 8 тадан ошмайдиган автомобилларни бошқариш ҳуқуқи 18 ёшга тўлган шахсларга берилади, такси бундан мустасно;

такси тариқасида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек йўловчилар ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчиникидан ташқари 8 тадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи 21 ёшга тўлган шахсларга берилади.

ҲУРМАТ ҚИЛИШ КЕРАК

ЙЎЛОВЧИ АВТОБУСГА КЕЧИКДИ. ЧИПТАЛАРНИ НИМА ҚИЛСИН?

? Мен сотиш кассасидан Тошкентдан Бухорога борадиган автобусга олдиндан чипта сотиб олгандим, бироқ касаллигим туфайли бора олмадим. Чипта ҳақини қайтаришни талаб қила оламанми, қанча ҳажмини қайтара оламан?

? Мен халқаро автобусга кечикдим. Менга чипта қиймати-ни қоплашлари керакми?

– Агар чипта сотиб олинган автотранспорт воситасига унинг жўнаш вақтидан бошлаб 3 соат атрофида, касаллик ёки бахтсиз ҳодиса оқибатида эса – 3 сутка мобайнида кечикилганда йўловчининг хоҳишига кўра автобусда юриш ҳужжати чипта баҳосининг 25 фоизини қўшимча равишда тўлатган ҳолда тикланади ёки унга чиптанинг тўланган баҳоси 25 фоиз чегирилган ҳолда қайтариб берилади. Шуни эътиборда тутинки, йўловчининг автобусга касаллик ёки бахтсиз ҳодиса

оқибатида кечикканлиги даволаш муассасасининг маълумотномаси ёки бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома билан тасдиқланиши керак.

Чипта автовокзал (автостанция) касасига автотранспорт воситаси жўнашидан кечи билан 2 соат олдин қайтарилган тақдирда, йўловчига чипта баҳоси унинг олдиндан сотиш тўлови чегирилган ҳолда қайтарилади. Чипта ушбу муддатдан кеч, бироқ автотранспорт воситаси жўнашидан олдин қайтариб берилганда, чипта баҳоси унинг қийматининг 15 фоизи ва олдиндан сотилганлиги учун тўлов чегириб ташланган ҳолда қайтарилади (Қоидаларнинг 62-банди).

? Шаҳарлараро автобуснинг жўнаши 2 соатга кечиктирилди. Бундай вазиятда йўловчи қандай ҳуқуқларга эга?

– Қоидаларга мувофиқ йўловчига чипта сотилганидан пастроқ юқори классли ав-

тотранспорт воситасидан жой берилганда, шунингдек унга чиптада кўрсатилган жой берилмаганда у чиптани автотранспорт воситаси жўнагунгача кассага қайтариб бериш ва чиптанинг тўлиқ баҳосини, шу жумладан унинг олдиндан сотилганлиги учун тўловни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Йўловчи пастроқ классли автотранспорт воситасида кетишга рози бўлганда унга тўланган сумма билан тўланадиган йўл ҳақи ўртасидаги фарқ суммаси қайтариб берилади (Қоидаларнинг 62-банди).

? Йўловчи автобусда ўз буюмларини унутиб қолдирди. Уларнинг кейинги тақдири қандай бўлади?

– Йўловчиларнинг унутиб қолдирган буюмлари қатнов тугаши билан ҳайдовчи томонидан автовокзал (автостанция) смена навбатчисига ёки ташувчининг навбатчи диспетчерига, улар бўлмаганда эса – топилмалар идорасига топшири-



лиши шарт. Автовокзал (автостанция) навбатчиси, ташувчининг навбатчи диспетчерига ёки топилмалар идораси ходими топилган буюмларни олиб келган шахс иштирокида унутилган буюмларнинг рўйхати билан 2 нусхада далолатнома тузиши шарт. Далолатнома тузилгандан кейин омборчидан икки нусхага ҳам тилхат олиниб, биттаси ташувчида қолдирилади, бошқаси эса омборхонага топшириш учун омборчига барча буюмлар билан биргалликда берилади (Қоидаларнинг 83–85-бандлари).

ЮРИШДАГИ ИМТИЁЗЛАР

? Баъзан шаҳар автобусларининг ҳайдовчилари йўловчиларга мазкур йўналишда имтиёзли ёки бепул юриш тартиби амал қилмайди дейишади. Бу қонун ҳужжатларига тўғри келадими?

– Автотранспортда бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, мансублиги ёки мулкчилик шаклидан қатъи назар йўналишли автобусларда бепул ва имтиёзли юришга рухсат берилади. Ушбу тоифаларга мансуб фуқаролар автобусга кираётганда бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжатни кўрсатадилар.

Автобусларда бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар томонидан багажни ташиш ва хизматлар кўрсатиш учун тўловлар умумий асосларда амалга оширилади (Қоидаларнинг 110, 112-бандлари).

? Қонун ҳужжатларида болаларни шаҳар ва шаҳарлараро автобусларда ташиш қандай тартибга солинади?

– «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига биноан йўловчилар ташиш чоғида йўловчи қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга: шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишла-

ридаги автобусларда 7 ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш; шаҳарлараро ва халқаро йўналишлардаги автобусда 5 ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш, 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган бола учун алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олиш ва 10 ёшгача бўлган икки ёки ундан ортиқ бола олиб юрилганда улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари учун – алоҳида жой берилган ҳолда чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизини тўлаб чипта сотиб олинади.

? Фуқароларнинг қандай тоифалари шаҳар йўловчилар автотранспортда бепул юриш ҳуқуқидан фойдалана оладилар?

– «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун билан шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941–1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар;

Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахсга берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига (19.08.1996 йилдаги 291-сон) мувофиқ юқорида саналган шахслар бепул юриш учун махсус қўшимча варақча эга бўлишлари шарт, уни шаҳар йўловчилар транспортдан фойдаланиш чоғида кўрсатиш керак. Махсус қўшимча варақлар «Йўловчитранссервис» ЯХМда берилади.

I гуруҳ ногирони ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга гу-

воҳнома берилмайди. Улар юқорида кўрсатилган шахсларга ҳамроҳлик қилиб юрганларидагина бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Юқорида санаб ўтилган ҳарбий хизматчиларгина ҳарбий унвонни тасдиқлайдиган шахсий гувоҳнома бўйича бепул юриш ҳуқуқига эгалар. Бепул юриш ҳуқуқи 7 ёшга тўлмаган болаларга ҳам татбиқ этилади. Юқорида кўрсатилган рўйхатга кирмайдиган қолган барча йўловчилар, шу жумладан пенсионерлар йўл ҳақини 100 фоиз тўлашлари ёки ойлик йўлқира қарточкаларидан фойдаланишлари шарт. Пенсионерлар, мактаб ва коллежлар ўқувчилари, олий ўқув юрталарининг талабалари учун имтиёзли йўлқира қарточкалари назарда тутилган, уларни ҳам «Йўловчитранссервис» ЯХМ реализация қилади.

Президентнинг 27.05.1991 йилдаги ПФ-212-сон Фармони билан ёлғиз пенсионерларга умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортида (таксидан ташқари) ва қишлоқ жойларда ўзлари яшайдиган маъмурий туман ҳудудида умумий фойдаланишдаги автотранспортда бепул юриш ҳуқуқи берилган. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар пенсия гувоҳномасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг яшаш жойидаги бўлимлари берадиган махсус қўшимча варақаси кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат деб ҳисобланади.

ҲУҚУҚЛАРИНГИЗ БУЗИЛГАНДА ЎЗИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛА БИЛИНГ!

? Шаҳарлараро автобусда йўловчининг багажи йўқолган. Ташувчи қандай жавобгарликка тортилади?

– Ташиш учун қабул қилинган багажнинг йўқолиши, камомоди, бузилганлиги ёки шикастланганлиги учун, агар ташувчилар бу уларнинг айби билан бўлмаганлигини исботлай олмасалар, моддий жавоб берадилар ва зарарларни тўлайдилар. Багажни ташишда етказилган зарар ташувчи томонидан қуйидаги миқдорда:

багаж йўқолган ёки камомадга йўл қўйилган тақдирда – юк ёки багажнинг йўқолган ёки етмаган қиймати миқдорида;

багажга зарар етган (бузилган) тақдирда – унинг қиймати камайган сумма миқ-

дорида, шикастланган (бузилган) багажни тиклаш имконияти бўлмаганда эса, унинг қиймати миқдорида;

қиймати эълон қилинган ҳолда ташиш учун топширилган багаж йўқолганда – багажнинг эълон қилинган миқдорида тўланади (Қоидаларнинг 114-банди).

? Йўловчи истеъмолчилик ҳуқуқлари бузилганда ҳайдовчига қандай ва қанча вақт мобайнида эътирозларни билдириши мумкин? Ушбу муддат қандай ҳисоблаб чиқарилади?

– Йўловчилар ва багажни ташиш жараёнида пайдо бўладиган эътирозлар ташувчига жўнаш ёки етиб келиш манзи-

лида берилиши мумкин. Ташувчига эътирозлар 6 ой мобайнида, жарималар тўлаш тўғрисидаги эътирозлар эса 45 кун мобайнида берилиши мумкин.

Кўрсатилган муддатлар:

а) багажнинг бузилганлиги, шикастланганлиги ёки камомоди учун тўловлар тўғрисидаги эътирозлар бўйича – багаж берилган кундан;

б) багаж йўқолганлиги учун зарарни қоплаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича – багаж етказиб берилган муддатлар тугагандан 10 кундан кейин;

в) жарималар тўлаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича – 45 кун мобайнида ҳисобланади (Қоидаларнинг 123, 124-бандлари).

? Ташувчи истеъмолчининг эътирозларини қанча муддатда кўриб чиқиши керак?

– Ташувчи эътироз олинган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда:

а) автомобиль қатновидаги ташишлардан пайдо бўладиган эътирозлар бўйича – 3 ой мобайнида;

б) тўғри, аралаш қатновларда пайдо бўладиган эътирозлар бўйича – 6 ой мобайнида;

в) жарима тўлаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича – 45 кун мобайнида билдирилган эътирозни кўриб чиқиши ва уни қаноатлантириши тўғрисида аризага хабар бериши шарт (Қоидаларнинг 125-банди).

Ирина ГРЕБЕНЮК, мухбиримиз.

ИККИ ҲАФТА ИШЛАНГ, ИШ ҚИДИРИБ ЮРМАНГ

Мен ўз хоҳишим билан ишдан бўшаш тўғрисида ариза бердим. Огоҳлантиришнинг икки ҳафтаси мобайнида ўзим учун янги иш жойи қидирсам бўладими?

Э.Баратохунов, бокс бўйича тренер.

– Шундай қилиш мумкин, фақат иш берувчи билан келишиб олиш керак.

Меҳнат кодекси 99-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир.

Бундай огоҳлантиришдан мақсад иш берувчига янги ходимни излаб топиш, ишларни топширишни ташкил этиш ва бошқалар учун имконият бериш ҳисобланади. Шу сабабли ўз хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб бутун шу вақт огоҳлантириш муддатига киради.

Огоҳлантириш муддати даврида ходим янги иш жойини

фақат иш берувчининг розилиги билан излаши мумкин.

Бироқ агар у иш берувчи билан келишмасдан туриб ишни огоҳлантириш муддати тугашигача қолдирса, бу ҳол узрли сабаблари бўлмаган прогул деб баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда эса иш берувчи ходим билан меҳнат муносабатларини ўз ташаббусига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бекор қилишга ҳақлидир.



КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИДАН – ИШДАН БЎШАШГА

Касалхонадалигимда ўз хоҳишим билан ишдан бўшашга ариза ёздим. Касаллик варақаси муддати тугагач ишга чиқиб, икки ҳафта ишлаб беришим шартми?

Х.Боқиев,

қурилиш фирмаси бўёқчиси.

– Йўқ, сиз икки ҳафта ишлаб беришга мажбур эмассиз. Мазкур ҳолда ходимнинг ариза бериш пайтида ишда эмас, балки масалан, таътил, хизмат сафари, касаллик варақаси даври ва бошқаларда бўлишининг аҳамияти йўқ. Асосийси, у олдиндан – 2 ҳафта олдин иш берувчини меҳнат муносабатларини бекор қилиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилишидир. **Ушбу муддат иш берувчи**

ходимнинг ёзма аризасини олган кундан кейинги кундан ҳисоблана бошлайди.

Сизнинг ҳолатингизда касаллик вақти огоҳлантиришнинг 2 ҳафталик муддати тўхташига олиб келмайди. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхташига ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт (Меҳнат кодекси 99-моддасининг биринчи қисми).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юригимиз.

ШАРТНОМА ТУЗИШДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНГ!

КЎПИНЧА РАҲБАРЛАР КОРХОНА ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ХОДИМЛАРИНИНГ ШТАТИНИ КЎПАЙТИРМАСЛИК, БАЛКИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТУСДАГИ ШАРТНОМАЛАР ТУЗИБ, ЗАРУР МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИЛАР

Бунда иш берувчи меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган ходимлар учун меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқ ва кафолатларни уларга тақдим этмасдан ютадилар. Чунончи, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишлайдиганларга:

- таътил, шу жумладан ижтимоий таътиллари ҳам бериш керак эмас;
- олдиндан ва вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказиш талаб қилинмайди;
- иш вақтининг чегараланган муддати уларга татбиқ этилмайди;
- улар бажарган ишлар (хизматлар) қиймати ва унга ҳақ тўлаш тартиби тарафларнинг келишувига кўра белгиланади, бунда у қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлиши мумкин;
- одатда иш тугагандан кейин унинг пировард натижаси учун ҳақ берилади;
- бундай шахслар ташкилот штатида қайд этилмайдилар, жамоа аъзолари ҳисобланмайдилар ва, тегишинча, локал ҳужжатларда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланмайдилар;
- уларга меҳнат шартномаси бекор қилинганда Меҳнат кодекси 67-моддасида назарда тутилган моддий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кафолатлари берилмайди;
- фуқаролар фуқаролик-ҳуқуқий шарт-

нома бўйича ёлланганда меҳнат дафтарчасини юритиш керак эмас;

- уларга ҳар ҳафтада дам олиш кунлари бериш керак эмас ва бошқалар.
- Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома иш берувчи учун фойдали деб ўйлаш мумкин. Бироқ унинг ўзига хос томонлари ҳам бор:
- фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишловчи интизомий жазо чораларини қўллаб бўлмайди;
 - у ишни шартноманинг бошқа тарафига бўйсунмаган ҳолда бажаради;
 - корxonанинг ички меҳнат тартибига риоя этишга мажбур эмас;
 - фуқаролик-ҳуқуқий шартнома олдиндан синаш шarti билан тузилиши мумкин эмас;
 - бундай ходимни хизмат сафарига юбориб бўлмайди;
 - у ҳар куни корхонага келишга мажбур эмас, шу боис иш берувчининг доимий назорати остида бўлмайди ва ҳоказо.

Бунинг устига барча ҳолларда ҳам фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиб бўлмайди. У муайян муддатда яқка тартибдаги аниқ бир марталик вазифани (топширик, буюртма ва бошқалар) бажариш зарур бўлгандагина тузилиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг предмети меҳнат жараёнининг ўзи, яъни муайян мутахассислик, малака, лавозимда ишлаш ҳисобланади. Масалан, меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган бухгалтер ўз фаолияти йўналиши бўйича исталган операцияларни амалга ошириши шарт. Фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг предмети эса меҳнат жараёнининг ўзи эмас, балки унинг пировард натижаси (масалан, тайёрланган бухгалтерия ҳисоботи, таржима қилинган ҳужжат матни) ҳисобланади.

Бошқа мисол. Ташкилот офисга туташган ҳудудни кўкаламзорлаштириши керак. Бу ҳолда ўсимликлар экиш учун фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиш мумкин. Бироқ боққа доимий қараб туриши: суғориш, супуриб-сидириш, гулзорларга қарашни таъминлаш учун ташкилот боғбонни меҳнат шартномаси бўйича ишга олиши керак.

Меҳнат муносабатлари учун ходимнинг ўз меҳнат функциясини муайян мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича амалга ошириш, ташкилотда белгиланган ички меҳнат тартиби қоидаларига, иш берувчининг кўрсатмаларига бўйсунуш, иш куни режимига риоя қилишга доир ва ҳоказо мажбурияти муҳим. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишлаётган фуқаро учун эса иш куни

режими кўпинча мажбурий бўлмайди, у одатда ўзи учун қулай вақтда ишлайди. Бу ҳолда асосийси – у иш натижасини топшириши керак!

Мисол учун, ташкилот бир ҳафтадан кейин чет тилига таржима қилинган ҳужжатлар пакетини олиши зарур. Бунинг учун жисмоний шахс билан фуқаролик шартномаси тузган маъқул, чунки ташкилот учун мазкур ҳолда таржимон уларни таржима қиладиган вақт (кундузи ёки кечаси) эмас, балки натижа – ҳужжатларни муайян санагача таржима қилиш муҳим.

Фуқаро билан фуқаролик шартномасини тузаётганда буйруқ чиқариш керак эмас.

Натижаларни топшираётганда тарафлар бажарилган ишлар далолатномасини тузадилар.

Меҳнат шартномаси билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ўртасидаги фарқлар принципаал тусга эга, чунки уларга доир муносабатлар турли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Чунончи, меҳнат шартномаси асосида юзага келадиган муносабатлар меҳнат ҳуқуқи нормалари билан, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосидагилар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан белгиланади.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

Тахририятдан. Фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг жозибаторлиги кейинги вақтда анча ошди. 2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) 47-бандига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича ишлаётган шахснинг меҳнат стажига, башарти у Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаб турган бўлса, ушбу ишлаш даври ҳисобга олинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 658 Адади 2 744. Баҳоси келишилган нарҳда
Газета 2012 йил 17 декабрда соат 14.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223